



Словак эртаги

Чивин билан айиқ ўртоқ экан.

Бир куни айиқ чивиндан сўрабди:

- Чивинжон, ошна, сен ҳамма жойда учиб юрасан, ҳамма ҳайвонларнинг қонини ичасан. Қани ўйлаб кўриб айт-чи, ҳаммасидан кимнинг қони ширин?

Чивин жавоб берибди:

- Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳаммасидан одамнинг қони ширин.

- Ундай бўлса, мен ҳам татиб кўраман, - дебди айиқ.

Чивин ўз иши билан учиб кетибди, айиқ бўлса одамни қидириб кетибди.

У ўрмонда кўп юрибди-ю, лекин ҳеч кимни учратмабди. Ниҳоят ўрмон чеккасига чиқибди. Шу ерда у калтакни от қилиб миниб юрган ёш болани кўрибди.

- Ҳой, тўхта! - дебди. - Сен одаммисан, одам эмасмисан.

- Энди одам бўламан, - дебди бола ва ғурур билан қаддини ростлабди. Чунки у тезроқ катта бўлишни истар экан.

- Ундай бўлса бор, кетавер, - деб тўнғиллабди айиқ. - Энди одам бўларкансан, ундан менга нима фойда.

Айиқ лапанглаб кетаверибди. Шошмасдан юрса ҳам бир қарияни қувиб етибди. У шундай қари эканки, оёғини аранг кўтариб босар, ҳассага суюниб олган экан.

- Ҳой, тўхта, - дебди айиқ. - Сен одаммисан, одам эмасмисан?

- Энди одам эмасман. Бир ваҳтлар шунақа одам эдимки!



- Кетавер, йўлингдан қолма, - деб тўнғиллабди айиқ. - Илгари одам бўлганингдан менга нима фойда.

Улар ўз йўлларига кетишибди.

Айиқ ўрмон ёқасидан ўтган йўлга чиқибди. Шу пайт қаршисидан олтин ипак билан тикилган қизил мундир кийган, мис дубулғасига жиға таққан отлиқ гусар чиқиб қолибди. Елкасидаги калта плаши шамолда қилпирармиш.

Айиқ ҳайрон бўлиб сўрабди:

- Тўхта! Сен кимсан?

Гусар мўйловини бураб дебди:

- Кўрмаяпсанми? Қилич, қурол таққан, муҳими, калласи бутун одамман.

У шундай деб йўлида давом этибди. Лекин айиқ унинг гапини эшитибок унинг кетидан югурибди. Етиб олишига оз қолибди.

Шунда гусар айиққа ўгирилибди-да, қиличини суғуриб унинг елкасига тушириб қолибди. Айиқнинг териси ёрилиб, қон оқа бошлабди.

Айиқ одам билан ҳазиллашиб бўлмаслигини тушунибди-да, тирақайлаб қочиб қолибди. Лекин гусар эринмасдан милтиғи олибди-да, айиқнинг орқасидан ўқ узибди.

Айиқ инига аранг етиб келибди.

Кўп ўтмай унинг ўртоғи чивин ҳам учиб келибди.

Айиқ инграб, чивинни уриша бошлабди:

- Билмадим, ошна, энг ширини одам қони деб, тўғри айтганмисан... Мен уни татиб кўрмоқчн эдим, бўлмади.



- Нима бўлди? – ҳайрон бўлибди чивин. – Нима учун татиб кўрмадинг?

- Яхшиси, одамга ўчакишмаслик керак экан. Мен уни қувиб етмоқчи эдим, у узундан-узун тилини чиқарди. Ҳатто қўлига олди. У шунақа ўткирки, суягимгача бориб етди. Мен унга тегмай қочдим, лекин у орқамдан бир туфлади. Тупуги биқинимга тегди, ёндириб юборгандек бўлди. Ҳозир ҳам биқиним ачишиб турибди.

Шунда чивин хахолаб кула бошлабди. У шунақанги хахолаб кулибдики, ёрилиб кетибди.

Лекин бу албатта, ёлғон. Чунки шу кунгача чивинлар ҳамма ҳайвоннинг қонини ичишади ва одамларнинг жонига тегишади.

Русчадан **В. Йўлдошев** таржимаси